
40- СОНЛИ ОИЛАВИЙ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ.

Данғара тумани Катта турк МФЙ, Бино қишлоғида якка тадбиркор Сафарова Азизахон томонидан Давлат хусусий шерикчилик асосида 40- сонли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Ўз бағрига маҳалланинг 25 нафар ўғил-қизларини олган « Олтин калитча » деб номланган ушбу муассасасида келажагимиз эгаларининг баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида « Олтин калитча » оилавий нодавлат таълим муассасасининг очилишига доир тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб, мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайтириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-30 17:41:12